

## ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МАҲОРАТИ.

*Раймова Дилназ Даулетовна*

*9-сонли айрим фанлардан чуқурлаштирилиб ўрганиладиган умумтаълим мактабининг ўзбек тили фани ўқитувчиси, Кегейли тумани Қорақалпоғистон республикаси.*

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўзбек тили ва адабиёт дарсларида инновацион технологияларни қўллаш ўқувчиларни ижодий фикрлашга, олинган ахборотларни фаолликда ҳал этишга, фикрни эркин баён этишга, ташаббускорликка, ҳамкорликда иш юритишга, фикрни ёзма равишда баён этишга чорлаши ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** ўзбек тили, адабиёт, дарс, инновацион технология, метод, ўйин.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда таълим тизимида йўналтириладиётган катта ҳажмдаги инвестициялар Ўзбекистоннинг энг илғор мамлакатлар қаторидан жой олишига замин яратмоқда. Ўзбекистоннинг таълим модели энг замонавий талабларга жавоб берадиган таълим муассасаларини барпо этиш билангина чекланиб қолмасдан, ушбу модель авваламбор, сифатга, яъни ўқитувчилар, ўқувчилар, талабалар, ўқув дастурлари ва пировард натижада билимлар сифатини оширишга асослангандир. Педагоглардан, бугунги мураккаб замонда ёшларга замон руҳида таълим бериш билан бир қаторда, башариятнинг, Ватанимиз ва халқимизнинг эртанги кунини ўйлаб, ёшларни эзгуликка, инсофдиёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган тарбиявий ишларни ҳам амалга ошириши талаб этилади. Бунинг учун ҳар бир педагог ўз устида мукамал ишлаши, замондан орқада қолмаслиги, ўқитишнинг инновацион технологияларини пухта билиши ва ўз фаолиятида жорий этиши зарур. Ҳозирги кунда эски анъанавий услубдаги дарслар ёшларимиз эҳтиёжини қондирмайди, улар бундай дарсларни тинглагиси келмайди. Чунки, фикрлаш ва тафаккур бошқа, айнан бирор фан бўйича билимга эга бўлиш бошқа. Фикрлаш ва тафаккур табиий ақл маҳсули, билим олиш эса –бу таълим муассаси, педагог фаолияти маҳсули

Умумий ўрта таълимда ўзбек тили ва адабиёт фанининг ўрни беқиёсдир. Мантиқий ва эркин фикрловчи, дунёқараши кенг, ижодий ва бадиий тафаккурга эга шахсни камол топтириш ўзбек тили ва адабиёт фанининг бош мақсадидир, ёш авлодни камол топтиришда ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчисининг хизмати нақадар масъулиятли эканлигидан далолат беради. Зеро, дарс – муқаддас! Демак, мақсад битта, у ҳам бўлса, ўқувчиларга бериладиётган таълим-тарбия сифатини

ошириб, уларда коммуникатив салоҳиятни шакллантириш, мустақил ҳаётда ўз фикрига, ўз сўзига эга бўлган ватанимиз эртанги кунини дадил давом эттириб, юқори марралар сари интиладиган ёшларни тарбиялашдан иборат.

Педагогик технологияларнинг мақсади ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган мақсадга ҳамкорликда эришишларини таъминлашдир. Ўқув жараёнида ўқувчилар мустақил фикрлаб, ижодий ишлаб, изланиб, таҳлил этиб, ўзлари хулоса қила олса, кўзланган мақсад амалга ошади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг фаолияти учун имконият ва шароит ярата олиши ўқитиш жараёнининг асоси саналади. Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув фанининг ўзига хос технологияси бор. Бугунги кунда бизга маълум ва кенг қўлланадиган усуллардан “Ақлий ҳужум”, “Кластер”, “ВЕНН диаграммаси”, “БББ”, “ФСМУ” кабилар дарс жараёнида ўзларининг самарали натижаларини кўрсатиб келмоқда. “Қиёслаш методи”, “Давра методи”, “6x6x6” каби методларнинг дарс самарадорлигини таъминлашда ўзига хос ўрни бор. Хусусан, “Қиёслаш методи”дан адабиёт фанида Одил Ёқубов ҳамда Пиримқул Қодиров ҳаёти ва ижоди ўрганилгандан сўнг мавзунини мустаҳкамлаш учун фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун ўқувчилар уч гуруҳга бўлиниб оладилар. Биринчи гуруҳга Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодировнинг ҳаёт йўли ва бундаги ўзаро ўхшашликлар, иккинчи гуруҳга уларнинг ижодий мероси ва яратган қаҳрамонлари ҳамда уларнинг ўхшаш замонлари, учинчи гуруҳга эса уларнинг асарларида илгари сурилган ғоялар хусусида фикрларни умумлаштириш, жамоа бўлиб тақдим қилиш сўралади. Шунингдек, она тили фанидан “Тапнинг иккинчи даражали бўлаклари” мавзуси ўрганилгандан сўнг ўқувчиларга “Гуруҳларда ишлаш методи” асосида “Мен тўлдирувчиман!” мавзусида ижодий матн тузиш топширилади. Бу топшириқ якка тартибда, кичик ёки якка тартибда, кичик ёки катта гуруҳлар томонидан ҳам бажарилиши мумкин. Мавзу юзасидан матн ўқувчилар томонидан тақдим қилинади. Бу метод орқали ўқувчиларнинг жамоада ишлаш кўникмалари ривожлантирилади, хотираси мустаҳкамланади, ёзма ёки оғзаки саводхонлиги ўстирилиб, ижодий матн яратиш малакаси мустаҳкамланади. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг ёзма нутқи ва имлоси саводхонлигини мустаҳкамлаш мақсадида матн яратиш юзасидан бир қанча қизиқарли топшириқлар бериш мумкин. Жумладан, “Морфология” бўлимини ўтиш жараёнида ҳар бир сўз туркуми юзасидан грамматик эртак яратиш вазифаси топширилса, ўқувчиларнинг грамматик саводхонлиги ўсиш билан бир қаторда, мантикий мушоҳада қилиш қобилияти ривожланади, ижодкорлиги ошади. Инновацион технологиялар таълим сифати ва самарадорлигини ошириб, таълим жараёнининг марказига ўқувчиталабаларнинг ўқув-билув фаолиятини кўяди, таълим жараёни яхлитлигини таъминлайди. Ўқувчи фаолиятининг юқори даражадаги кўрсаткичи, ўқув-билув фаолиятини ташкил этиши, ирода ва

фаолиятнинг ўқувчи онгининг предметига айланишдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун, аввало, таълим берувчи мақсадга элтувчи усулларни танлай билиши, ўқув-тарбиявий жараён яхлитлигини таъминлаши лозим. Инновацион технологияларни таълим жараёнига жорий этиш, таълим самарадорлигини ошириш учун тинимсиз изланиш бугунги куннинг эҳтиёжига айланмоқда. Янги методларни таълим жараёнига татбиқ этиш педагоглар олдида турган масалалардан бири ҳисобланади. Ўқитувчи дарс жараёнида бошқа маълумотни бериш билан бир қаторда интернет маълумотлари, мултимедиа дастурлари, жадваллар ва шунга ўхшаш мавзуга оид қўшимча маълумотларни кўрсатиб ўтса, бу нафақат ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишини оширади, балки ўқувчиларнинг мустақил ўқишини талаб даражасида шакллантиришига, мавзунини имкон даражасида тўла ўзлаштиришига ҳам ёрдам беради. “Ақлий ҳужум”. Бу ҳужум ўзбек тили ва адабиёт дарсларининг бошланишида ёки исталган жойида қўлланиши мумкин. Муаммо ўқувчиларга ақлий ҳужум йўли билан берилади ва уларнинг фикрлари орқали очилади. “Ақлий ҳужум” методи бирор мавзу юзасидан берилган муаммоларни ҳал этишда кенг қўлланилади. “Ақлий ҳужум” методи ёрдамида қўйилган муаммо юзаридан бир неча ечимларни топиш имконияти юзага келади. Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашиш, масъулиятни сезиш, таҳлил қилиш, энг асосийси, ўқувчини кўзғатишга қаратилганлиги, педагогнинг ўз танлаган касбига бўлган қизиқишини кучайтиради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. /Тошкент; “Шарқ”, 1997.
2. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. / Тошкент; “Шарқ”, 1997. 3. И.А.Каримов. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни табиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи.//Халқаро конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2012й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармони.
5. Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

6. Абдукадиров, Абдукаххор Абдувакилевич. Масофали укитиш назарияси ва амалиёти. монография / А. А. Абдукадиров, А. Х. Пардаев; ред. М. Содикова. - Т. : Узбекистон республикаси фанлар Академияси " ФАН " нашриёти, 2009. - 145 б.
7. Арипов М.М. ва бошқалар. Информатика, информацион технологиялар, 2-қисм.-Тошкент, «ТДТУ», 2003, 430б.
8. Андреев А. А. Введение в дистанционное обучение. Учебно-методическое пособие. — М.: ВУ, 1997 г
9. Ғуломова М.Х., Собирова Н.К. Янги инновацион технология ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш усуллари – Т.: 2009